

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 128 (10.433)

2005 ЙИЛ 4 ИЮЛЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

● **БҲҲҲ** Бектемир туман Марказий кутубхонасида "Дунё болалари" мавзuida уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда 289-мактаб қошидаги "Қуёшхон" оромгоҳи тарбияланувчилари иштирок этишди.

● **АЙНИ** кунларда Сергели туман ҳокимлигида туман маҳаллалари хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Сергели туман хотин-қизлар кўмираси ҳамкорликларида уюштирилган ўқув семинари давом этмоқда. Ушбу тадбир олтинчи июлда якунланди.

● **БУГУНДАН** "Маънавият ва маърифат" марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасаларда лотин алифбосини махсус ўқитиш курслари ташкил этилди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида "Айтишув" деб номланган концерт бўлиб ўтди. Унда санъаткорлар Ватан мавзuida ўзбек бастакорлари томонидан яратилган кўшиқлари, мумтоз тароналарини ижро этишди.

● **ЎТГАН** кундан "Офис маркет" компаниясининг яна бир дўкони "Миробод бозори" очик акциядорлик жамияти худудида фаолият бошлади.

● **РЕСПУБЛИКА** Халқ банки аҳолига хизмат кўрсатишда ўзига хос янгиликларни татбиқ этмоқда. Хусусан мазкур банк аҳоли учун ўйилган янги "Фаровон" омонат турини жорий этди. Омонатга қўйиладиган пулнинг энг кам миқдори юз минг сўм бўлиши шарт. Шунда миқозга йилга 35 фоиз қўшимча маблағ тўланади.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар характери — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ёзги мавсумда талаба ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида "Қурилиш индустрияси ҳамма йил" маъсуллияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда талабаларнинг муваққат қурилиш отрядини ташкил қилди. Ушбу отряд **ЎТГАН** кундан фаолият бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

## ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ


Пойтахтимизда хорижий мамлакатларда таълим олган ёш мутахассисларнинг III илмий-амалий конференцияси бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуман икки кун давом этди. Унда хорижда таълим олган ёш мутахассислар, олим ва педагоглар иштирок этмоқдалар.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири, "Истеъдод" жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Қосимов мамлакатимизда замон талабларига мос малакали кадрлар тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан иқтидорли ёшларимизнинг

ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Хорижда таълим олиб келган ёшлар ҳозир иқтисодиёт, банк, молия, транспорт, қурилиш сингари етакчи соҳаларда — турли вазирлик ва идораларда, олий таълим даргоҳларида самарали фаолият кўрсатаётир. Анжуман давлат ва жамият бошқаруви тизими, иқтисодиёт соҳасида-

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ҚАД РОСТЛАЁТГАН ТЕКИС, РАВОН, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ЙўЛЛАРУ УЛАРИНИ БИР-БИРИГА ТУТАШТИРУВЧИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАТНОВИДА, ТИФИЗЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ, КўРКАМ, МУСТАҲҚАМ КўПРИКЛАР ШАҲРИМИЗ КўРКИГА КўРК ҚўШИБ, АҲОЛИГА КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТМОҚДА.




ШАҲРИМ — ФАҲРИМ

## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН

Сергели туманининг Усмон Носир кўчасидаги қурилиш майдонига етиб бургимизда ҳам соат 8 ҳам бўлмаганида, бу ерда Тошкент Халқ йўлининг реконструкция ишларини давом эттириш ва 61-километридаги йўл ўтказгич билан транспорт кесиммасини қуриш ишлари жадал олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Истиқлолимизнинг 14 йиллигига муносиб тўхфа сифатида топширилаётган 2 минг 700 метрли равон йўл ҳамда узунлиги 50 метр ҳамда кенглиги 40 метрни ташкил этган кўприк қурилишида айни кунларда 400 га яқин бунёдкорлар ёзнинг иссигини ҳам писанд қилмай, ғайрат-шижоат ила ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

— Мазкур иншоот битиб, фойдаланишга топширилган, — дейди бош пудратчи ташкилот — "Ўзавто йўл" Давлат компанияси автомагистраль бирлашмасининг раҳбари Шавкат Раимкулов, — вилоятлардан — Фарғона водийсидан пойтахтга йўл олган оғир юк ташувчи машиналарнинг марказга бормай шу ердан тўғри келиб кетишларига имконият яратилади. Шу боис мазкур йўл экология бўзилишининг олди олиниши билан бирга, транзит юк ташувчи самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Мустақиллик иншоотининг бутун лойиҳалари бош лойиҳачи — "Тошкентбашрежа ЛИТИ"нинг етакчи мутахассислари томонидан тайёрланган. Қурилиш майдонига кечая кундуз тиним билмай ишлаётган 150 тага яқин техника воситалари ҳамда 85 та механизмлар бирин-кетин қурилиш учун зарур материалларни ташиб келтираётган юк машиналарини, қизгин бунёдкорлик ишларини кузатар экансиз



тажрибали, маҳоратли йўлсозу кўприксозларимизга улар мадад бўлаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Этиборли томони қурилиш майдонига фаолият кўрсатаётган ердამчи пудратчилар "Кўприкқурилиш" трестининг 13-кўприк-қурилиш отряди кўприксозлари, "Тошшаҳарнур" қорхонаси, "Ирригация" трестлари жамоалари қўли гул бунёдкорларининг ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

"Юрти обод элнинг кўнгли ҳам обод" деб халқимиз бежиз айтмайди. Бундай кенг қўламли қурилишларнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган ҳолда, гўзал пойтахтимизни кенг қўламада ривожлантириш истиқболларини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётганлиги кишини қувонтиради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
**СУРАТЛАРДА:** Тошкент Халқ йўлида — Усмон Носир кўчасида қурилиш ишлари мана шундай қизгин кечмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ги олимлар ва раҳбар ходимларни, юртимизнинг илмий жамоатчилигини бундай ёш мутахассисларнинг салоҳияти ва илмий изланишлари билан кенгроқ таништириш имконини беради. Шу билан бирга, уларни қўллаб-қувватлаш, юртимиз таълим жараёнига янада кўпроқ жалб қилиш, илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Анжуман қатнашчиларининг илмий-ижодий маърузалари табиий фанлар, иқтисодиёт, банк иши, молия ва валюта муносабатлари, ижтимоий-гуманитар фанлар, техника ва технологиялар каби йўналишлардаги секциялар йигилишларида атрофича муҳокама этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

### XXI сағоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Фарғона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилган Фармонлари ва Қарори мазмун-моҳияти ва улардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Республика Иқтисодиёт вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртли профессорлари, ўқитувчилари, молия-ҳўжалик идоралари ва муассасалар амалиётчилари иштирокида "Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалалари" мавзuida семинар бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтини "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" мавзuida ёшлар фестивали ўтказилди.

● Муллаўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарь вилоят мусиқали драма театри биносига "Минитехнология-2005" кўргазмаси очилди.

● Бухоро вилоят марказидаги "Сомонийлар" боғида бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

● Жиззах вилояти, Янгиобод тумани маркази — Бағландачкир қишлоғида янги агро иқтисод коллежи фойдаланишга топширилди. 450 ўқувчига мўлжалланган замонавий бино ва 50 кишилик умумий ётоқхона "Электромонтаж" МЧЖ қурувчилари бунёд этишди.

### Жаҳонда


● Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао амалий ташир билан Россия Федерациясида бўлди.

● Лиан Президент Эмил Лакуд собиқ молия вазири Фуад Синиорани бош вазир этиб тайинлади. Таъкидлаш жоизки, Синиора парламент аъзоларининг кўпчилиги овозини олди.

● Ватикан собиқ папа Иоанн Павел II томонидан амалга оширилган мўъжизалар далолатларини ўрганишга киришди.

● БМТ океанографлари 27 мамлакат ҳукуматлари билан биргаликда Хинд океанида рўй берадиган цунами ҳақида олдиндан огоҳлантириш тизими лойиҳасини мувофиқлаштиришди.

● Швейцариялик теннисчи Рже Федерер "Катта дубулга" туркумига кирувчи жаҳондаги энг нуфузли мусобақалардан бири — Уимблдон турнирининг эркаклар баҳсида галаба қозонди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Люксембург парламенти депутатлари бир овоздан Европа Иттифоқи конституцияси лойиҳасини тасдиқладилар. Эндиликда умумиттифоқ конституциясининг лойиҳаси иккинчи босқичга ўтди. Жорий йил 10 июль кунини мамлакатда ушбу масала юзасидан умумхалқ референдуми бўлиши кутиляпти.

• Дунёдаги термоядро синтезига асосланган илк реакторни лойиҳалаштириш ишларида иштирок этаётган давлатлар, мазкур объектни Франциянинг Кадараш шаҳрида бунёд этилишига рози бўлишди. Москвада бўлиб ўтган йилнинг чўғида, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой ва Жанубий Корея вакиллари шундай қарорга келишди.

• Эронда президент сайловининг иккинчи босқичи бўлди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда ушбу курашда Техрон шаҳри ҳокими Маҳмуд Аҳмадий Наход галаба қозонган. Уни сарфлашда қатнашганларнинг 61,9 фоизи кўллаб-қувватлаган.

• Хиндистоннинг Андра Прадеш штатида йирик газ захираси топилди. Топилманинг айнаи дамдаги қиймати 50 миллиард долларга тенг эканлиги қайд этилган.

• Японияда тезорар поездларнинг янги авлоди синовдан ўтказилмоқда. Fastech 360S деб аталаётган бу поезд соатига 405 километр тезликда ҳаракатланади. Энг асосийси унинг локомотивида «сезгир кулоқ»лари мавжуд. Бу кулоқлар терморезистивда янгилик ҳисобланиб, ер силкинишини олдиндан сезади ва автоматик равишда тўхтайдди.

• Таиланд жанубида ўқитувчиларга уюштирилган ҳаммалардан кейин 6 та мактаб ёпиб қўйилди. Террорчилар ҳужумидан жабр кўрган охириги шахс 42 ёшли Сунторн Нинвисут бўлди. У Сунгей-Падитуманидаги 30 нафар ўқитувчи яшайдиган уйлар террорчилар томонидан ўққа тутилган пайтда оғир жароҳат олди.

• Нью-Йорк меймори Дэвид Чейлдс томонидан янги «Озодлик минораси» лойиҳаси тақдим қилинди. У 2001 йил сентябрийда террорчилар томонидан йўқ қилинган Бутунжаҳон савдо маркази биноси ўрнида барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

• Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ҳазо секторидagi ўқ-дорилар омборига ракета зарбаларини берди. Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

### САМАРА БЕРИШИ АНИҚ

Ўзимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан замонавий дастгоҳлар асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар замон талабига мослиги, харидор дид ва эҳтиёжини қондира олаётгани билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаётганлиги қувонардир.

Бу, албатта маҳаллий тадбиркорларимизнинг юртимизда улар учун яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш имконияти билан боғлиқ. Эндиликда умумиттифоқ конституциясининг лойиҳаси иккинчи босқичга ўтди. Жорий йил 10 июль кунини мамлакатда ушбу масала юзасидан умумхалқ референдуми бўлиши кутиляпти.

Ана шулар қаторида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «FAY-SA-текстиль» масъулияти чекланган жамияти ҳам нафақат ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш, балки рақобатбардор товарларни хорижий давлатларга экспорт қилишни кўзда тутилган билан ҳам ажралиб туради.

— Ўтган йилда иш бошлаган бўлсак-да, бозор талаби асосида фаолиятимизни олиб бораётганимиз боис ҳам, харидорларимиз сафи ортиб бормоқда, — дейди корхона таъсисчиси Файзулла Толипов. — Ҳозирда жамоамизда асосан пахта илдан эркаклар пайпоқлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунда албатта пухта режа асосида иш юритдик. Шунингдек, келгусида маҳсулотларимизни хориж бозорига олиб чиқишни ният қилар эканмиз, сифатга эътибор қаратамиз, ўралишига аҳамият берамиз. Энг муҳими, четга хом ашё эмас, балки ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланиб тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳам иқтисодийимизни ривожини таъминласа, ҳам юртимиз обрўсини

юксалтиради. Бунинг устига керакли ва зарур товарларни харидорларимизга сифатли ва бирмунча арзон нархда ўзимиз етказиб турсак, четдан келтиришга, ортиқча валютани сарфлашга ҳожат бўлмайди. Насиб этса Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида маҳсулот экспорт қилишни режалаш, ҳозирда шартномалар тузаямиз.

Ҳозирда Россия ҳамда Жанубий Корея дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада 6 турдаги эркаклар пайпоғи ишлаб чиқариламоқда. Келгусида эса уларнинг мавсумий турларини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Айни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни режаллаган корхона тадбиркорлари Республика Президентининг тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва кафолатларни кўзда тутилган бир қатор Фармонлари ва Қарори низоҳатда қўл келиши, шубҳасиз.

— Ушбу Фармонлар ва Қарорни синчиқлаб ўрганган ҳамда ижросини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат қилган ҳар бир тадбиркорга толе ёр бўлиши, шубҳасиз, — дейди Файзулла Толипов қувончини изҳор этар экан. — «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг ҳар



бир бандида кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар бизни фақат фойдали иш билан шуғулланишга, ўз бизнесимизни янада ривожлантиришга руҳлантиради. Яна Фармонлар ва Қарорда кўзда тутилган имконият ва кўллаб-қувватлашлар, ортиқча қўғозбозликларга чек қўйилиши тадбиркорнинг вақтини тежаб, ўз гоёсини ҳаётга татбиқ этишга, билим ва савиясини орттиришга ёрдам беради. Сирасини айтганда, бундан бўёғига кўтаринки руҳда ишлашнинг вақти келди, дея олам.

«FAY-SA» тадбиркорлари йил охирига қадар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишчи ўринлари яратиш, янги маҳсулот турларини харидорларга тортиқ этиш ҳаракатида. Зеро астойдил ҳаракат ва диддан қилинган эзгу ният самара бериши, шубҳасиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**  
СУРАТДА: корхонада тайёрланаётган пайпоқ турлари.  
Ҳакимжон Солиҳов олган сур.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар самараси Тошкент шаҳри мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида изчил олиб борилаётган ишлар самарасидир. Мамлакатимизда 2005 йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишлар кўлимини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги барча бошқарма, муассаса, ташкилот, жамоат тuzилмалари ва таълим муассасалари «Сихат-саломатлик йили» бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кўпгина хайрли ишларни амалга оширяпти.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги ислохотлар натижасида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири - аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга эришилаётганидир. Бунда чақалоқлар ва икки ёшгача бўлган болаларни эмлашнинг самарали тизими йўлга қўйилгани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойида ана шу мақсадда 80 миллион сўмликдан кўпроқ вакцина сотиб олинди. Шунинг ярмидан кўпроги икки ёшгача бўлган болаларни эмлашга, қолгани катта ёшдагилар учун шундай тиббий-профилактика ўтказишга сарфланди.

Дунёга келаётган фарзанд жиҳмонан соғлом, бунқсон, ҳар жиҳатдан тўқиб бўлиб турган, бу нафақат ота-она ва оила аъзоларига, балки жамиятга ҳам туганган бахт ва шодлик келтиради. Зеро, мамлакат келажаги кўп жиҳатдан ана шундай баркамол ёш авлодга боғлиқ. Шу боис ҳомиланинг бунқсон эканлигини олдиндан аниқлаш мақсадида она ва бола скрининги текширувлари йўлга қўйилган.

Республика скрининг маркази-

нинг бу борадаги моддий-техник салоҳиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур тиббий муассаса учун керакли реактивлар харид қилишга зарур маблағ ажратган. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бу ерда етти минг нафарга яқин чақалоқ тиббий текширувдан

линг битта беморнинг умрини бир йилга узайтириш учун қарийб ўн беш миллион сўм маблағ сарф этилди. Кўриниб турибдики, бу боло нафақат икки шахс ёки бир-икки оила, балки бутун жамият учун жулмдий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу боис улғайиб келаётган авлодни бундай зарарли иллатлар домга бериладиган асраш, ўсимирлик даврида ёшларда рўй берадиган турли руҳий-жисмоний ўзгаришлар жараёнида улар билан яқиндан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш мақсадида пойтахтимиздаги мактаб, коллеж ва лицейларнинг бир гуруҳ ўқитувчиларнинг репродуктив саломатлик курси бўйича малака ошириши ташкил этилди. Уларга шаҳар ОИТС маркази, Тери-таълим диспансери, Ўсимирлар саломатлигини тиклаш маркази, Наркология диспансери ва Репродуктив саломатлик маркази мутахассислари тегишли йўналишлар бўйича маъруза ўқишди. Ўқув курсларини тугатган ўқитувчиларга сертификат ва ўқув қўлнамалари берилди. Эндиги босқичда мазкур таълим муассасалари раҳбарларининг малака ошириши режалаштирилляпти.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган эзгу ишлардан яна бири оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган эътибордир. Пойтахтимиздаги тиббиёт муассасалари вакиллари ҳар шанба кун оммавий спортга жалб этилляпти. Бу тажрибани омма орасида тарғиб-ташвиқ этиш ҳам диққат-эътиборимизда.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - ҳукуматимиз эл саломатлигини асраш борасида қабул қилаётган қўнунлар, қарорлар ва бошқа меъорий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз онг-шуғрига етказиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборатдир.

**Дилором МАҲАМАДЛИЕВА,**  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари  
(ЎЗА)

## 2005 - Сихат-саломатлик йили

### СОҒЛОМ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, халқимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, оила манфаатини ҳимоя қилиш, жамиятимизда аёлларнинг мавқени ошириш ва соғлом авлодни вояга етказиш ҳукуматимиз сийёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади.

ўтказилди.

Маълумки, фарзанд камолотида она сути бемис аҳамият касб этади. Шу боис пойтахтимиздаги барча тугруқ жамуаларида чақалоқни кўкрак сути билан озиқлантириш масалаларига бағишлаб ёш оналар ва мутахассисларнинг мулоқотлари ташкил этилмоқда.

Бунда оналарга фарзанд ҳаётининг дастлабки даврларида эътибор талаб этадиган жиҳатлар, гўдақнинг ташқи муҳит билан мослашувига кўмаклашиш йўл-йўриқлари, учраши мумкин бўлган касалликларни бартараф этишда яхши самара берадиган янги препаратларни қўллаш тартиблари тушунтириляпти.

Жойларда бўлганмишда кўпгина ёш оналар боласида илк тизиб ёриб чиқиш пайтида милк оғрикларидан безовта бўлишдан, тез-тез қорни дам бўлиб туришидан шикоят қиладиган ҳолатлар учрайди.

Ҳозир тараққий этган хорижий мамлакатларда бу борада қўлланиладиган самарали тиббий воситалар ишлаб чиқарилган.

Германиядан олиб келинган «Дентинокс Н» препарати тиш ёриш жараёнида қўлдан ортиқча безовталикдан қўтқаришда яхши самара бериши аниқланди. Унинг таркибида мойчечак дамласи ва бошқа тинчлантирувчи моддалар мавжуд. Гил кўриниши-

даги бу дори тоза пахта билан милкнинг қизарган жойига сурилади, натижада бола ўзини яхши ҳис эта бошлайди. Худди шунингдек, томчиланадиган «Карминативом Бебинос» препарати бола қорнидаги дами тезда бартараф этишда кўл келмоқда. Мутахассислар бу ҳақда ота-оналарга домий тушунча бериб борапти.

Соғлом фарзанд дунёга келишига замин ҳозирлайдиган ишлардан яна бири репродуктив саломатлиқни яхшилашга эришишдир. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ана шу масалага жиддий эътибор қаратилляпти. Вазирлар Маҳкамасининг никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказишни ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўляпти. Унга қўра, ёш келин-куёвлар оила қуришдан олдин тиббий қўриқдан ўтказилляпти. Бу бўлажак ота-оналар саломатлигини яхшилаш, қурилажак оилада соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, келажак авлодлар камолотига салбий таъсир этадиган баъзи юқумли ва оғир ҳасталикларнинг олдини олишга хизмат қилаёпти.

Мазкур қарор чиққандан буюн ўн икки минг нафарга яқин ёшлар ана шундай тиббий қўриқдан ўтказилди.

Тиббий кўрик жараёнида гивандлик ва ОИТС сингари оғир иллатлар домга тушган ёшлар ҳам аниқланляпти. Массаланинг оғир томони, баъзи оилалар ёки бўлажак келин-куёвларнинг бу бедаво дардга бепарво қараётгани нафақат ўз ҳаётини, балки дунёга келажак фарзанди тақдирини ўйламаётганидир. Ҳолбуки, ОИТСга ча-

қилинган битта беморнинг умрини бир йилга узайтириш учун қарийб ўн беш миллион сўм маблағ сарф этилади. Кўриниб турибдики, бу боло нафақат икки шахс ёки бир-икки оила, балки бутун жамият учун жулмдий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу боис улғайиб келаётган авлодни бундай зарарли иллатлар домга бериладиган асраш, ўсимирлик даврида ёшларда рўй берадиган турли руҳий-жисмоний ўзгаришлар жараёнида улар билан яқиндан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш мақсадида пойтахтимиздаги мактаб, коллеж ва лицейларнинг бир гуруҳ ўқитувчиларнинг репродуктив саломатлик курси бўйича малака ошириши ташкил этилди. Уларга шаҳар ОИТС маркази, Тери-таълим диспансери, Ўсимирлар саломатлигини тиклаш маркази, Наркология диспансери ва Репродуктив саломатлик маркази мутахассислари тегишли йўналишлар бўйича маъруза ўқишди. Ўқув курсларини тугатган ўқитувчиларга сертификат ва ўқув қўлнамалари берилди. Эндиги босқичда мазкур таълим муассасалари раҳбарларининг малака ошириши режалаштирилляпти.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган эзгу ишлардан яна бири оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган эътибордир. Пойтахтимиздаги тиббиёт муассасалари вакиллари ҳар шанба кун оммавий спортга жалб этилляпти. Бу тажрибани омма орасида тарғиб-ташвиқ этиш ҳам диққат-эътиборимизда.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - ҳукуматимиз эл саломатлигини асраш борасида қабул қилаётган қўнунлар, қарорлар ва бошқа меъорий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз онг-шуғрига етказиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборатдир.

**Дилором МАҲАМАДЛИЕВА,**  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари  
(ЎЗА)

# КЎЧА ВА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЯНГИ НОМЛАРИ

Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика ҳамда шаҳар комиссияларининг таклифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан қуйидаги кўчалар ва маҳаллалар номига ўзгартиришлар киритилди.

Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ	Нўғайқўрғон (Чилонзор ва Сергели туманларида шу номда маҳаллалар бор)	Қўрғонтепа	Қадимги номлардан бири
Кўчалар					
Бектемир тумани					
Коржавин	Чирчиқбўйи	Чирчиқ дарёси ёқасида жойлашганлигини инобатга олган ҳолда	Файзулла Хўжаев номи (Мирзо Улугбек туманида шу номда маҳалла бор)	Ибрат	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Миробод тумани					
Василий Фегисов	Таллимаржон	Республикадаги машҳур сув омбори	Акмал Икромов номи (Ҳамза туманида шу номда маҳалла бор)	Латифгузар	Жойдаги гузар номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Учтепа тумани					
Султон Сегизбоев (Чилонзор тумани ҳудудидаги қисми ҳам)	Катта Хирмонтепа	Кўча йўналишидаги маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида	Ғафур Ғулум номи (Чилонзор туманида шу номда маҳалла бор)	Ҳожиобод	Тарихий номлардан бири
Раҳимбоев	Тақачи	Жойнинг тарихий номи	Ёзкул Худойбердиев номи	Қўрмақобод	Кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Раҳимбоев тор кўчаси	Тақачи тор кўчаси	Бир-бирига туташ бўлган жой номларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш мақсадида	Дархон (Мирзо Улугбек туманида шу номда маҳалла бор)	Куйи Дархон	Жойнинг тарихий номи
Раҳимбоев 1,2,3,4-тор кўчалари	Тегишли равишда Тақачи 1,2,3,4-тор кўчалари	Бир-бирига туташ бўлган жой номларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш мақсадида	Алишер Навоий номи (Собир Раҳимов, Мирзо Улугбек, Сергели ва Ҳамза туманларида шу номда маҳалла бор)	Хуросон	Тарихий номлардан бири
Чилонзор тумани					
Болта Қодиров	Илғор	Кўчанинг аввалги номини тиклаш мақсадида	Янги ҳаёт (Мирзо Улугбек, Сергели ва Юнусобод туманларида шу номда маҳалла бор)	Нуробод	Обод жой маъносид
М.Ғофуров кўчасининг Бешёғоч майдони қисми	Фурқат	Шу номдаги кўчанинг яхлитлигини таъминлаш учун	Мустақиллик (Собир Раҳимов, Мирзо Улугбек, Сергели, Миробод ва Ҳамза туманларида шу номда маҳалла бор)	Кўксарой	Худуд кенглигида жойлашган жой номи
Аллея берк кўчаси	Фурқат берк кўчаси	Шу номдаги асосий кўчага туташ бўлгани учун	Усмон Юсулов (Сергели, Ҳамза, Чилонзор туманларида шу номда маҳалла бор)	Жарбулоқ	«Жаркўча» маҳалласидан кўчиб келганлар истиқомат қилиши назарда тутилган
Усмон Юсулов номи маҳалладаги номсиз кўча	Карвонсарой 4-тор кўчаси	Шу номдаги кўчалар билан уйғунлаштириш мақсадида	Юнусобод тумани		
Юнусобод тумани					
Носиров 2,3-тор кўчалари	Тегишли равишда Халқобод 3,4-тор кўчалари	Шу номи кўчалар билан уйғунлаштириш мақсадида	Собир Раҳимов (Ҳамза ва Сергели туманларида шу номда маҳалла бор)	Зулфизар	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Носиров 4-тор кўчаси	Шивли 1-тор кўчаси	Шу номи кўча ва маҳалла билан уйғунлаштириш мақсадида	Шодлик (Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманларида шу номда маҳалла бор)	Бирлик	Тарихий номи тиклаш мақсадида
Х.Эргашев 1-тор кўчаси	Халқобод 3-тор кўчаси	Шу номи кўча билан уйғунлаштириш мақсадида	Ҳамза тумани		
Ҳамза тумани					
Миршаропов	Тошлоқобод	Шу жойда ўтган асрнинг 30-йилларида Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидан кўчириб келинган аҳоли истиқомат қилаётгани назарда тутилмоқда	Тинчлик (Сергели, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида шу номда маҳалла бор)	Тинчликобод	Қадимги номлардан бири
Миршаропов 1,2,3-тор кўчалари	Тегишли равишда Тошлоқобод 1,2,3-тор кўчалари	Асосий кўчага туташтириш мақсадида	Истиқдол (Собир Раҳимов, Миробод туманларида шу номда маҳалла бор)	Найман	Маълум бўлган ўзбек уруғи номи
Авиахим	Қамаши	Туман Қашқадарё вилояти билан биродарлашган бўлгани учун	Ҳабиб Абдуллаев (Мирзо Улугбек туманида шу номда маҳалла, кўча бор)	Давлатобод	Амир Темурияттан боғ номларидан бири
Испан	Насаф	Қарши шаҳрининг тарихий номи	Янгиобод (Ҳамза, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманларида шу номда маҳалла бор)	Чаманзор	Обод жой маъносид
Жўра Тожиёв	Фарғона йули 3-тор кўчаси	Кўчанинг аввалги номини тиклаш учун	Дўстлик (Миробод, Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза, Юнусобод туманларида шу номда маҳалла бор)	Кўҳна Чўпонота	Жойнинг тарихий номи
Маҳаллалар					
Учтепа тумани					
Шароф Рашидов номи (Ҳамза ва Миробод туманларида шу номда маҳаллалар бор)	Богичинор	Амир Темурияттан боғ номларидан бири			
Фурқат номи	Истироҳат	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида			
Ҳамза номи (Ҳамза ва Чилонзор туманларида шу номда маҳаллалар бор)	Хондамир	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида			
Оқтепа (Юнусобод, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида шу номда маҳаллалар бор)	Кўкча Оқтепа	Жойнинг тарихий номи			
Ойбек (Миробод ва Мирзо Улугбек туманларида шу номда маҳаллалар бор)	Тақачи	Жойнинг тарихий номи			



### ҲАМ ДАМ ОЛАСИЗ, ҲАМ ДАВОЛАНАСИЗ

Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашларнинг таътил пайтида кўнгилли дам олишларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилади. Тегишли шарт-шароитлар яратилган кўплаб сихатгоҳларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари касаба уюшма кўмиталари орқали имтиёзли йўлланмалар билан таъминланиши, ҳам дам олиши, даволаниши, ҳам соғлиқларини тиклашади.

Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган «Навбахор» сихатгоҳи ҳам ана шундай дам олиш ҳамда даволанишга мўлжалланган масканлар сирасига киради. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли ушбу сихатгоҳда компания ходимлари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари 30, 40, 50 фоизли имтиёзли йўлланмалар олган ҳолда ҳордик чиқаришади.

Йил бўйи фаолият кўрсатадиган 100 ўринли сихатгоҳнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерга даволаниш учун республикамизнинг турли бурчакларидан меҳнаткашлар, шунингдек, фахрийлар нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан факат касаба уюшма ташкилотлари орқали келишлари мумкин.

Кўпгина ташкилотлар, хусусан А.Кодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, М.Уйғур номидаги санъат институти билан муайян суммага шартнома тўзганмиз, — дейди «Навбахор» сихатгоҳининг бош шифокори, олий тоифали кардиолог Диломор Мухторова. — Ушбу ўқув муассасалари касаба уюшма кўмитаси орқали ходимлар келиб, даволанишлари учун шариоит яратилган. Шу мақсадда махсус транспорт ажратилган бўлиб, улар ишдан кейин келиб керакли муолажаларни олиб, ҳордик чиқаришади. Эрталаб яна ишга боришади.

Сихатгоҳ ички касалликлар, асаб касалликлари, юрак-қон томир хасталиклари ҳамда бўғин-мушак касалликларини даволашга ихтисослашган бўлиб, биринчи тоифали шифокор-терапевт, игна билан даволловчи врач, олий тоифали кардиолог ҳамда 4 та шифокор дам олувчилар хизматида.

Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган «Навбахор» сихатгоҳи ҳам ана шундай дам олиш ҳамда даволанишга мўлжалланган масканлар сирасига киради.



гулова, ўқаловчилар Анна Корноплияникова, Хуснора Тўхтазарова, Фолтагул Фозилбековаларнинг ширин муомаласая, касб маҳоратидан мамнун. 16 гектарлик баҳаво ҳудудда жойлашган сихатгоҳга манзарали ва мевали дарахтлар, айниқса, ўрик, олма, гилос, олча дарахтлари кўплаб экилган, ферма ташкил қилинган, иссиқхона мавжуд бўлиб, эрталабки нонуштага бериладиган махсус лангун, салатлар шу ернинг ўзидан чиқади. Ҳордик чиқарувчиларнинг соғлиқларини тиклашлари борасида қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида бир ой олдин ичакдан ювиш хонаси ҳамда сероводородли ванна хизмати йўлга қўйилди.

Сихатгоҳда вақти-вақти билан «Узбекфильм»нинг янги фильмлари намойиш этилади, Қибрай туманидаги маданият уйларининг бадий ҳаваскорлари, санъаткорлар келиб концерт беришади. Сўз устаси Абдухалиқ Мамарасулов, қизиқчи Жакбарали Жўраевлар айниқса тез-тез келиб, дам олувчиларнинг кўнгилларини хушнуд этишади. Айрим даволанувчилар биз билан сўхбатда бу ерга яратилган шариоитлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этишди.

**Абдухамид АРЗИЕВ:** — 72 ёшдаман. Утган йили

бир оёғим қаттиқ оқсоқланиб қолди. Шу аснода сихатгоҳга келдим. Муолажалар яхши ёрдам берди. Айниқса ўқалаш,



балчик, парафин, игна билан даволашнинг таъсирини сездим. Ҳассани ташлаб, хуш кайфият билан уйга қайтдим. Биз фахрийлар сихатгоҳининг барча ходимларига ширин сўзларни, малакали муолажалари учун миннатдорчилик билдирадим.

**Бозорбой РЎЗИКУЛОВ:** — Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманидан келдим. Юрагим безовта қилар, қон босимим баланд бўлиб, нафасим қисиб ухлолмасдим. Қисқа муддат ичида соғлигим анча жойига келди, уйкум яхшиланди. Иложи бўлса, сихатгоҳга ҳар йили келиш ниятим бор.

**Тўрабой ҳожи АНОРОВ:** — Турмуш ўртоғим Мунаввар Қудратова билан сихатгоҳда ҳордик чиқаряпмиз. Қашқадарё вилояти, Чирочки тумани, Кўктош қишлоғидан келганмиз. Бизга айниқса бу ернинг об-ҳавоси жуда ёқди. Овқатлари сифатли. Жонкуяр шифокору ҳамшираларнинг муолажалари орқали соғлиқларимиз анча тикланди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА:** «Навбахор» сихатгоҳида дам олувчиларнинг соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

Энг муҳими галаба эмас, иштирок этиш эканлиги соғлиқни таҳкамлаши билан бирга мусобақаларга ўзгача руҳ бағишлаб, барчанинг қизиқишига, спорт мусобақасининг чинакам байрамона руҳда ўтишига хизмат қилди. Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган спартакиадада 74 ёшли ҳамшира Э.Касеевнинг иштироки, Миробод туманидаги болалар руҳий касалликлари сихатгоҳининг 68 ёшли ҳамшираси Елена Алиеванинг 60 метр масофага югургани билан лол қолдириб десак янглишмасак керак. Шифокор ахли танани даволашдан олдин руҳни даволаш кераклигини доимо ўқдириб келади. Бетоб кишини даволашдан аввал касалликнинг олдини олиш осон эканлигини, спорт бу борада инсон-

нинг яқин дўсти, шифокорнинг ишончли ҳамкори эканлигини жамоанинг фаол қатнашганлиги, мусобақаларнинг ҳаяжонли дақиқа-

### СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Меҳнаткашларни соғломлаштириш, спорт билан шугулланишлари, имконият яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Сихат-саломатлик йили» дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ва ўқув юртлари, туманларнинг ҳудудий бирлашмаларида спортнинг бир қатор турлари бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилди.

таъкидлаймиз. Узининг илмига амал қилиш ибратли ишлари билан фирманинг тўричилигини намойиш этиш, инсонга наф келтириш хайрли иш йўлидаги таъсирчан воситадир. Шу жиҳати билан ҳам маъзур спартакиаданинг юқори савияда ўтганини, спорт бу борада инсон-

ларга бой, қизгин тарзда ўтганини барчада яхши, ёрқин таассурот қолдириди. Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Чилонзор туманлари жамоаларининг спортнинг ҳар бир турида юксак натижаларга эришганликлари эътиборга лойиқдир. Шу билан бирга Ҳамза, Миро-

бод, Собир Раҳимов, Юнусобод ва Учтепа туманларининг вакиллари ҳам муносиб қатнашдилар. Мусобақада голиб чиққанлар ҳамда совриндорлар ташкилотлар ва хомийларнинг эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Тиббиёт ходимларимизнинг оилавий тарздаги иштироклари қувонарли бўлди. Айниқса, спортнинг оилавий эстафета, сакраш, шашка турларида ота-она ва фарзандларнинг иштирок этишлари келажак авлоднинг баркамол, соғлом бўлиб воғла етишида муҳим аҳамиятга эгадир. **Гавҳар ИСЛОМОВА,** Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси

**СУРАТДА:** спартакиада ана шундай қизиқарли ўтди.



## ИЖТИМОЙИЙ ХИММОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

### САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

### ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАДИ

Меҳнат аҳлининг соғлигини мустаҳкамлаш, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, айниқса, аёлларнинг спорт билан шугулланишлари, жисмонан кучли, руҳан тетик бўлишлари, касаба уюшмалари томонидан қатор аҳамият берилмоқда. «Сихат-саломатлик йили»га бағишлаб, яқинда Чирчиқ шаҳрида республика аёллар спартакиадасининг ўтказилганлиги ҳам фикримиз далилидир. Унда спортнинг 8 тури бўйича бахслар қизиқарли, кескин спорт курашлари остида кечиб, барчага завқ-шавқ бағишлади. Мусобақаларга пухта тайёрларлик кўрган



### АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Урта Чирчиқ туманлари ҳудудидаги табиатнинг хушманзарра, баҳаво гўшаларида ҳамда пойтахтимизда жойлашган Тошкент шаҳар қорхона ва ташкилотларига қарашли бўлган 28 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида пойтахт меҳнат аҳлининг 11 476 нафар фарзандлари, шунингдек, Қорақалпоғистондан келган 929 нафар болалар мириқиб ҳордик чиқармақдлар.

Оромгоҳдаги ҳар бир кун ўтказилган спорт мусобақаси, тўғарақ маърузалари, қизиқарли китобни севиб мутолаа қилиш, турли хил маданий-маърифий тадбирлар болада ёрқин, унутилмас таассурот қолдириб, оромгоҳнинг ҳаётига файз-тароват бағишлайди. «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи азиз болаларнинг севили дам олиш маскани бўлиб, болалиқнинг бетакрор оламига етакловчи қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари эсда қоларли, ёқимли дақиқаларни, яхши кайфиятни барчага ҳада этиди.

Спорт — оромгоҳ ҳаётининг ажралмас қисмидир. Яқинда «Ал-

горитм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Алгоритм-1», «Алгоритм-2» ҳамда Тошкент маданий-маърифий тадбирлар болада ёрқин, унутилмас таассурот қолдириб, оромгоҳнинг ҳаётига файз-тароват бағишлайди. «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи азиз болаларнинг севили дам олиш маскани бўлиб, болалиқнинг бетакрор оламига етакловчи қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари эсда қоларли, ёқимли дақиқаларни, яхши кайфиятни барчага ҳада этиди.

дилар. Қизиқарли лаҳзаларга бой тарзда кенган, мурасасиз спорт беллашувига айланган мусобақада кучлилар сараланиб, гуруҳ голиблари маълум бўлди. Кескин, шиддатли баҳсда «Алгоритм-1» жамоасининг волейболчи қизлари бор маҳоратларини ишга солиб кетма-кет ўнчинчи маротаба анъанавий турнирда галаба қозонишга мурасар бўлдилар. Навоий шаҳрининг волейболчи қизлари фахри иккинчи, Наманган шаҳрининг жамоаси учинчи, Қораз вилоятидан келган волейболчи қизлар эса тўртинчи ўринларни эгалладилар. Мусобақанинг голиблари, совриндорлари ва барча иштирокчилари учун болаларнинг севили «Алавулдин» жамоаси, «Рак» гуруҳи мазмуни маданий дастурини намойиш этиб, спорт байрамига янада файз-тароват бағишлади. Ҳар бири ва совриндорлар Фахрий ёрликлар ҳамда хомийларнинг эсдалик совгалари билан тақдирландилар. **Усмонбек ФАТТОХОВ, СУРАТЛАРДА:** мусобақадан лавҳалар

### ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛАШАДИ

«Сихат-саломатлик йили»га бағишлаб, яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан йиллик иш режасига биноан тармоқ касаба уюшма хизматидаги ташкилотларда хизмат қилувчи ходимларнинг 1992-1993 йилларда тўғилган фарзандлари ўртасида мини-футбол турнири ўтказилди. Маъзур тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг кубогини учун мини-футбол мусобақасида 12 та жамоа ўзаро беллашди. Спорт — саломатлик гарови, тарбиянинг таъсирчан воситаси сифатида ёшларнинг соғлом, етук инсон бўлиб камол топиши билан биргаликда, келгусида маҳоратли спортчиларнинг етишиб чиқишига ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатдан олганда маъзур спорт тадбирининг аҳамияти эътиборга лойиқдир. Қизиқарли бахсларга айланган, барчага бир олам завқ-шавқ, қувонч бағишлаган мусобақада Республика инкассация бирлашмасининг моҳир ёш футболчилари голиб чиқиб шаҳар кубогининг соҳиби бўлдилар.

Давлат солиқ бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгалладилар. Голиб ҳамда совриндорлар Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Шунингдек, турнирнинг бошқа иштирокчиларига ҳам эсдалик совгалари топширилди. Галаба қозониб, совринли ўринларга эришиш асосий мақсад бўлмай, фаол қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, дўст-биродарлар орттириш, спортнинг оммавийлигини оширишга хисса қўшиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. **Ҳожиакбар БАХТИЁРОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси**

### ЭНГ МУҲИМИ — ЭЪТИБОР

Жумладан, яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан 21,22,23,24 ва 30-мехрибонлик уйларига, Болалар маҳалласига, болалар психоневрологик санаторийиси, шунингдек, унинг диспансерига ҳамда республика болалар ортопедия марказига хайрия ёрдами кўрсатилди. Ушбу тадбирнинг муҳим жиҳати тақдим этилган хайрия ёрдамнинг миқдоридигина эмас, берилган эътиборда, инсонларга нисбатан меҳр ва муруватлиликда, савобли ишларга ҳолислик билан ёндашишдир. «Болаларнинг кўнгилни олиш, уларнинг соғлиғи ҳақида имкон қадар гам-ҳўрлик кўрсатилганлиги учун Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг раҳбариятидан миннатдорчилик, уларга азгу ниятларимизни билдирамиз» дейди Республика болалар ортопедия марказининг директори Шухрат Азизов.

Хайри иш — фойдали юмуш бўлиб азгуликка, муҳтожларнинг оғирини енгил, мушкулни осон қилишга хизмат қиладиган савобли ишларнинг амалга ошириш яхши анъана сифатида касаба уюшмалари фаолиятида давом этади. **Бахтиёр КАРИМОВ**

### ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

«Меҳнат қилган элда азиз» деб халқимиз бежиз айтмаган. Қасбини ардоқлаб самарали меҳнат билан муносиб обрў-эътибор қозонган, кўплаб шогирдлар етиштириб қасбининг сирасорларини кунт билан ўргатиб келаётган баргикенг устозлар, пир убадат фахрийларни эъзозлаш, устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириш миллий қадриятлардан ҳисобланиб, касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Яқинда табиатининг сўлим табриқлаб, уларга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилади. Фахрийларга туман ҳокимлиги, туман савдо хизмати кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти ҳамда кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Юнусобод тумани вакилиги номида ёрликлар, эсдалик совгалари топширилди. Инсоннинг кўнгилни олиш учун бирозгина эътибор, икки оғиз ширин сўз қифоя десак муболага бўлмайди. Қилинган астойдил меҳнатни қадрлаш, меҳнаткашнинг хурматини жойига қўйиш ўз навбатида ёшлар учун унутилмас сабоқ бўлиб, улар устоз ортидан эргашшига интилади. Бу эса маъзур тадбирнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Маъзур соҳада баракали хизмати билан эътибор қозонган Абдуҳамид ака Содиков мамнуни-

ят билан шундай дейди: «Муштақиллик шарофати билан савдо соҳасига, савдо ходимларига нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгариб, захматқаш ходимлар қадрланмоқда. Савдо маданияти, савдо ходимларининг касб малакаси, муомала маданиятининг янада юксалиб бориши учун шогирдларимдан тажрибаман, маслаҳатларини асло аямайман, уларнинг ютуқларидан қувонаман, устозингга раҳмат деган миннатдорчиликни эшитиш қанчалик ёқимли эканлигини юракдан хис этаман». Тадбир давомида «Отуш» хусусий фирмасининг раҳбари, дилкаш инсон, хаваскор шоир Нажот Ниёзов ҳамкасбларини табриқлаб, Ватан, меҳнат, дўстликни улуғловчи ширларидан намуналар ўқиди. Санъаткорлар дилрабо кўшиқлари билан барчага яхши кайфият улашдилар. **Умид АНВАРХУҲАЕВ**

## Шарқ дурдоналари



● Номрад киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилона яшагандан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ортиқча меҳр қўйиш кўзни кўр, қулоқни қар қилади.

● Бир ҳақимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўн та белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулоимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан эинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қуйиб қўйилган бўлса, унга мой қуйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир куну бир ҳақимдан: — Ботирлик яхшими ёки ақлу тadbирми? — деб сўрадилар.

У эса: — Ботирлик тиф бўлса, ақлу тadbир кўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, кўл тифсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиф кўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

● Бир ҳақимдан: — Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса: — Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби жандақлардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларига жазоланадилар. Шу тариха кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

● Унутмагинки, киши ҳеч қачон таъмагир бўлмағи керак. Кишининг бошига таъмадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан кучлироқ нарса йўқ. Газаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феъллига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолинус ҳақим вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган қуйидаги ғоғозини топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, топган емишини — у нима бўлишадан қатъи назар, тўхтатмай озгина солаваради. Вахоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:  
**Танпарварлик бўлса доим хаёлинг,**  
**Қачон сенга қулиб боқади иқбол?**  
**Гар гадосан гарчи шохнинг лашкари,**  
**Нафсинг орзусини йўқотил дарҳол.**

● Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўзига хиёнат қилган бўлади.

## Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида

— Фидо бўлсун, ҳазратим!.. — сўзга қўшилди Мухаммад Чурога додхох.

Икки бармоғи билан соқол учини эзгилай бошлаган соҳибқиронни кўрган Мухаммад Чурога додхох ҳушёр тортиди.

«Ажабо, кимсаларнинг ўзга иши йўқмикин, — дер эди ўзига ўзи Амир Темур. — Чакчак дарасида Амир Хусайн алдаб олиб бориб қўлга тушириб ўлдирмакчи эди... Каросмонда Амир Мусо билан Зиндачашмлар шикорда гўмдон қилишмакчи бўлишди... Амир Қайхусрав эса ҳаммиша пайт пойлаб юрарди... Мана, яна Зиндачашм мальнойнинг фитниси юзгага чиқди... Чиндан ҳам, «Эшакнинг боласи эшак бўлади, итинг боласи — ит, деганида Жаҳонгир Мирзо ҳақ экан...»

Соҳибқирон хаёлга чўмганча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Хийла вақтдан кейин:

— Мама! — деди бирдан.  
— Қулоғим сизда!.. — бош эгди Мухаммад Чурога додхох кўзга тик қаролмай. У қаттиқ дашон эшитишига асло шубҳа қилмас, кўрқувдан титраб-қақшаб турарди.

— Бир нарсадан таажубдамен... Дўстимиз Амир Сайфиддин не кўзнинг келиб-келиб анови шайтонни топиб, элчи қилиб юборганига не дейсен?..

Мухаммад Чурога додхох соҳибқироннинг мутлақо бошқа нарса сўраганидан бироз дадилланди:

— Амир соҳибқирон! Амир Сайфиддин не кўз жаноблари бағоят оқил ва инсофли, садақатли инсондурлар... Мен ул зотнинг шундай қилишларига асло ишонмаймен! Бу ерда бир сир яширимаганмикин?..

— Қандай сир?.. Нималар деярсен?... Мақтубни Амир Сайфиддин не кўзнинг ўзи бермаса Зиндачашм қайдан олиши мумкин ахир?.. Бу ерда фитна борга ўқшайди. Балки уларнинг аввалдан борди-қелдилари бордир. Аммо ҳеч қачон бунинг шарпасини ҳам сезмагандим... — Кўнглим, бир сир бор деб турибдир... Сир бор, Аллоҳ биладир, илло айтмайди... — деди ишонч билан Мухаммад Чурога додхох.

— Амир соҳибқирон! Ул зот ҳақида эинҳор ёмон хаёлларга бормангиз... — Мубашшир баҳодир сўзлашга журъат этди. — Ул зотнинг ҳеч айби йўқ... Фидойиликларининг, ҳаққий дўстинглик эканликларининг кўп бор шохиди бўлганмен. Бари найрағибоз Зиндачашм опардийнинг кирдиқорларидур. Амир Сайфиддин не кўз қайтқанларидан кейин ҳамма нарса аён бўлади, бу офтобдай равшан!

— Ха, айтгандай, Амир Сайфиддин не кўз шериги Ҳинду Қарқара қипчоқ эди, ҳазрат... — бирдан эслаб қолди Мухаммад Чурога додхох. — Ҳим кузатиб қўйгандим... Амир Темур соқол учини эзгилашда давом этар экан, бунга диққат қилишни истамасди.

Бўлиб ўтган синаотдан ханг-манг Мавлоно Убайд Амир Сайфиддин не кўз номасини ураётиб, бирдан қозоннинг энг четдаги майда ёзилган хатга кўзи тушиб қолди. Ҳикмат кўрди-ю галати янглик топганидан ҳаприққанча деди:

— Амир соҳибқирон! Амир соҳибқирон! Номанинг бир четида бундай ёзув ҳам бор экан! Кўзим тушмабди, узр... Мана: «Ушбу нома Ҳинду Қарқара қипчоқдан бериб юборилди...»

Атрофдан: «Ие!..», «Ие!..», «Ҳинду Қарқаранинг ўзи қаерда экан?..», «Нега ўзи опкелмади?..», «Зиндачашмдан бериб юборилдими?..», «Ана ҳолос!..» қабилда сўзлар эшитилди. «Ераб, бу қандай кун ўзи? Унгни, тушми?..» — дер эди ичида ўзига ўзи Мухаммад Чурога додхох.

Ҳамма ҳайратда Амир Темурга қаради.

— Ха-а... бу шайтон Ҳинду Қарқара қипчоқни гўмдон қилиб номани олиб келган... — деди Амир Темур. — Амир Сайфиддин не кўзнинг бундан хабари йўқ. Мард ва жасур йигит эди Ҳинду... Бировга сўзини бермасди. Увол кетди. Аттанг... — Соҳибқирон бирдан Мухаммад Чурога додхохга юзланди: — Мама!... Қани менга айт-чи: Зиндачашм пайтда Кўксаройда хибсона бошлиғи ким эди?..

— Салмон опардий... — ...Ашаддий душманни қочириб юборган лаянати Салмон опардий ясоққа етказилсун!!! Бола-чақалари қўчириб юборилсун, мол-мулки мусодара этилсун!

— Фармонингиз бош устига!.. — деди шошилишда Мухаммад Чурога додхох, деди-ю қотиб қолди: фармонга кўра ясоққа етказилиши лозим бўлган хибсона бошлиғи Салмон опардий... ярим йил аввал

ёмон дардга чалиниб оламдан ўтган эди!.. Буни эшитган Амир Темур соқолини қаттиқ тутамларкан, қатта-қатта кўзларидан газаб ўти чакнади...

Ҳалигина, бу беш кунлик дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку, деб хаёлидан кечирган Мавлоно Убайдининг ўз мулоҳазаларини соҳибқиронга айтиш ҳақидаги қарори яна ҳам қатъийлашди.

Уша кун эртасига Зиндачашм опардийнинг терисига сомон тикишиб бозор дарвозасига осиб қўйдилар.

## VI

Нохуш хабар Хожитархонга етиб келганда милодий 1376 йил куз ўрталари эди. Жўжи улуси ҳукмдори Ҳурусхоннинг фиғони нақ фалакка чиқди. Саброн ёнида Тўхтамиш ўғлон билан бўлган дахшатли жангда лашкар тортиб борган ўртанча ўғли Қутлуг Буға ҳалок бўлибди!..

Хоннинг умиди шу ўғлидан эди, уни жуда ардоқлар, ўзига валиҳад ҳисобларди. Шу сабабдан ҳам Амир Темур даргоҳига қочиб, Жўжи улуси шаънига кетмас қора доғ туширган, чингизийларга хиёнат қилиб кет-

қилини кўтарган ҳам эдики, аллақайдандир дайди бир ўқ икки қурагининг ўртасига келиб санчилди! Салгина олдин Қутлуг Буғанинг отдан учи кетганини кўриб қувонган Оқ Буға бахрининг ўзи ҳам шу аҳволга тушди — асфаласофилинга равона бўлди. Отдан ерга юзтувган қулган Тўхтамиш ўғлон амирининг елкасида санчилган найза тикрайиб турарди...

Қутлуг Буғанинг ўлими лашкарга оловни пуғлаб ўчирмоқчи бўлганларида баттар лангиллаб ёнгандай акс — таъсир қилди: жўжи хурушга тушиб ёғий қўшини устига офатдай ёпириди. Жазаваси чиққан навкарлар шиддатидан Тўхтамиш ўғлон аскарлари юрагига қўркуву ҳарос оралади, оқибатда қўшин сингича дарз кетди. «Чингизхон авлоди» деган шарафли номдан бошқа бирон фазилати бўлмаган, ҳарбий салоҳиятда тажрибасиз Тўхтамиш ўғлон қўшинни ташлаб қочиб қолишга улгурди. Қутлуг Буға навкарлари уни юртни оралаб қолган, қувилган қашқир ҳолига солдилар. Ҳурусхон ва Саброн, — Тўхтамиш ўғлон вилоятлари, — Жўжи аскарлари томонидан талон-торож қилинди, эркаклар қилишдан ўтказилди, кўп болалар ва аёллар, қизлар асир қилиниб Сифноққа олиб кетилди...

Жўжи улуси хони Ҳурусхон бу тафсилотни эшитганида фавқулодда газабдан тили боғланиб қолди. Фақат пишиллаганча «Пуф!», «Пуф!» қилар эди ҳоло. Бироз ўзига келган, Қутлуг Буға ёнида бўлган Идику билан Қозончи баҳодирларни ҳузурига чорлатди.

— Нега Тўхтамиш ўғлонни қўлдан чиқариб юбординг?.. — зуғум билан сўради хон Идикуга қаттиқ тикилиб, унинг киприклари қошларига қўшилиб кетган эди.

Идику улуснинг забардаст, жасур амирларидан бири ҳисобланса ҳам, ерга қараганча индолмай қолди.

— Нега Тўхтамиш валадини тутиб келмадинг, депман?! — яна сўради хон Қутлуг буға отабегисидан. — Гапир! Ҳурусхонни канорга иламен, даю!

— Фафлатда қолдим, ҳокимон! Нас босди бизни! — деди йигламсираб Идику. — Нас босди-и-и!..

— Қутлуг Буғани асрай олмадинг, Тўхтамишни қочириб юбординг! — давом этди қуйиб-пишиб хон. — Отнинг думига судратиб саргардон қиламен сен мангити! Пешонангни итлар искаб ётади!..

Хон Идикудан жавоб кутмай Қозончи баҳодирга юзланди:

— Қани Тўхтамиш? Қани сен ваъда қилган Тўхтамиш?.. Душманни энгиб, саркардасини қочириб юборадурму? Менга ўша валад керак эди, ўша валад!.. Қани у?! Қани депман? Қутлуг Буға ўрлининг аламини олар эдим!.. Пуф-ф!.. Юрагини тириклай суғуриб олиб қовуриб ер эдим! Юрагини ер эдим-и!.. Юрагини!..

— Олампадох! Ушунинг пайдан бўлдум... Бўйнидан итдай боғлаб хор қилиб қошингизга олиб келмоқчи эдим. Роса тавбасига таянтирмоқчи эдим... — Қозончи баҳодир хоннинг этагини ўлганча ўзини оқларди. — Шунинг билан овера бўлиб мен галварс Қутлуг Буғадан беҳабар қолибмен...

— Тўхтамишнинг пайда бўлдум, дейсен... Пайда бўлсанг, қани Тўхтамиш?.. Гапир, итти боласи!..

— Издан қувдим! У майдондан қиқиб қочди! Аммо оти учур экан, Амир Темур соғва қилган, дейишадди, улуг ҳоқимон, сира етказмади. Отимни роса камчиладим эса... Олиб келамен, ха!

— Пандавақилар! Оғзидан ошини олдирадиган! Галварслар! Сенларни сўқимга тортиш керак!..

Қозончи баҳодир бироз бошини эгиб турди-да, кейин деди:

— Олампадох! Қуруқ келганим йўқ... Тўхтамиш ўғлонни олиб келмаган бўлсам ҳам, бир нуфузли амирини қўлга туширдим... — Нима дединг? Бир амирини қўлга туширдим, дедингми?.. Пуф-ф!..

— Ха! Бўйнидан боғлаб ҳузурингизга олиб келдим!

Ҳурусхоннинг қисик кўзлари очилди, газабдан чимирилиб бир-бирига туташиб кетган қошлари ёзилди. Бу қутилмаган аянглик эди.

— Келтирилсун! — деган фармон бўлди.

Қозончи баҳодир шу лаҳзадаёқ айқдай тайпанглаб бориб қўл-ёғни боғланган асирини олиб кирди. Бу жанг вақтида ярадор бўлиб, майдонда ҳолсиз ётиб қолган йирик гавдали, қўсанмо Урунг Темур эди.

Давоми келгуси сонда.

## Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Мухаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУҒ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

ган валад Тўхтамиш ўғлонни бир ёқли қилишни шу ўғлига топширишни ўйлаганди. Тўхтамиш ўғлоннинг Ҳурусхон билан Сабронга келиб ҳокимлик маснадига ўлтирган ва бу шаҳарларни мустаҳкамлаш йўлида бошлаб юборган сўа ҳаракатлари Ҳурусхонни газаб отига миндирди. Темур оқсоқ, — хон уни фақат шундай деб атарди. — чингизийларнинг орасига нифоқ солмоқчи, ўзини ўзига қайрамоқчи, бир-бирининг гўштини бир-бирига едирмоқчи... Тўхтамиш ўғлон ҳам ҳады-ю тансуқотларга, ёлғон ваъдаларга учиб, бўлмағур давволар этагидан тутиб бу йўлга кирибди. Унинг боллаб таъбирини бериш керак, думини туғиб қўйиш керак!

Сабронга кўшин юбориш ҳақида гап кетганда, ўртанча ўғли Қутлуг Буға отилиб чиқиб, Тўхтамиш ўғлон билан ҳисоб-китоб қилгани мен борамен, мени жунатингиз, деб туриб олди. Бу хонга маъқул бўлди, чунки ўзи ҳам шундай ниятда эди. Қутлуг Буға ул ноҳинсин албатта энгиб қайтмоғи зарур! Бу зафар Қутлуг Буға обрусини оширган, валиҳадлик мавқеини тахтга кўз тикиб турган оғаси олдида ҳам, улус олдида ҳам мустаҳкамлаган бўларди, албатта.

Қутлуг Буға қўрқмас, чапдаст йигит эди. Аёвсиз бошлаган жангда, айрим навкарларнинг ношуду сўст, қўшиннинг парокандалигини кўриб сабри чидамади.

Чағдовулда<sup>12</sup> туриши ва жанг равишини кузатиши ҳамда бутун лашкарни бошқариши керак бўлган ҳолда, жahl устида ҳайқирганча майдонга тушиб кетганини билмай қолди. Ҳатто унинг ёнида бўлган отабеги Идику ҳам фафлатда хонзоданинг ноўрин қадамини сезмабди. Хуллас, Қутлуг Буға бир пайт қараса, манглайда<sup>13</sup> юрибди! Ортга чекиниш мумкин эмас... У ўнганга ҳам, чапга ҳам қилич солар, душманни ер тиллатарди.

Олатасир муҳораба-тўполонда Тўхтамиш ўғлон лашкарининг манглайда жанг қиларган Оқ Буға бахрининг кўзи фавқулодда хонзодага тушиб қолди! У яхшироқ тикилди. Кўзи ўткир Оқ Буға бахрин адашмаганди: ўша орқа-олдига қарамай саваш қиларган шоввоз Ҳурусхоннинг ўртанча ўғли Қутлуг Буға эди! Оқ Буға бахрин шитоб ёйига ўқ жойлаб яхшилаб нишонга ола бошлади. У моҳир мерганлардан ҳисобланарди. Энди отаман, деганда хонзодани кўздан қочириб қўйди. Шундай хол икки марта юз берди. Қутлуг Буға навкарлар орасида бир кўриниб, бир қойиб бўлиб қоларди. Оқ Буға бахрин пайт пойлашга тушди... Ниҳоят, мана, хонзода ёлғизланди, атрофида ҳеч ким йўқ... Оқ Буға бахрин ёй тортиди... Жон олар ўқ шувиллаб бориб Қутлуг Буға қўсига санчилди! Шу заҳотиёқ Жўжи улусининг валиҳади отдан қулаб тушди ва тил тортимай жон берди...

Қўшинда бир неча лаҳза саросималик аломатлари кўринди. Навкарлар лашкар-бўлибинг ўлимидан кейин пароканда бўлиб нима қилишни билмасдилар...

Оқ Буға бахрин тез ўрдугоҳга бориб Тўхтамиш ўғлонга бу хушхабарни етказишга ошиқди. У бағоят мамнун эди, от бошини буриб, қамчи солмоқчи бўлиб

12. Чағдовул — лашкарининг ортки қисми.  
13. Манглай — лашкарининг олд қисми.

## ДМҚ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2005 ЙИЛНИНГ 5,8,12,15,19,22,26,29 ИЮЛЬ ВА 2,5,9,12,16,19,23,26,30 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМ ОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### Аукцион савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 43-уйда жойлашган «Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи» ДУКнинг қуйидаги автотранспорт воситалари:

1985й. и/ч, д/р 10AJ 393 бўлган ЗИЛ 130 русумли. Бошланғич нархи 1 136 738 сўм;

1988й. и/ч, д/р 10AJ 392 бўлган Кубан Г/А/-02 русумли. Бошланғич нархи 1 057 830 сўм;

Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Ойбек кўчаси, 42-уйда жойлашган, «USUB» ОАЖнинг «ХНАК» шўъба корхонасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1982й. и/ч, д/р 11AI 051 бўлган М412 русумли. Бошланғич нархи 211 782 сўм;

1990й. и/ч, д/р 82-93ТШС бўлган ММЗ-554 русумли. Бошланғич нархи 661 384 сўм;

1985й. и/ч, д/р 11AQ 318 бўлган ММЗ-554 русумли. Бошланғич нархи 661 384 сўм;

1991й. и/ч, д/р 35-13 ТШБ бўлган ГАЗ-2411 русумли. Бошланғич нархи 282 781 сўм;

1981й. и/ч, д/р 11AQ 180 бўлган КАВЗ-685 русумли. Бошланғич нархи 633 609 сўм;

1987й. и/ч, д/р 11AQ 183 бўлган ПАЗ-672М русумли. Бошланғич нархи 2 204 327 сўм;

1991й. и/ч, д/р 11AQ 202 бўлган ПАЗ-3205 русумли. Бошланғич нархи 760 331 сўм;

1985й. и/ч, д/р 11AI 091 бўлган ВАЗ-2121 русумли. Бошланғич нархи 327 046 сўм;

— «Тошинвесткурилишбутиш» унитар корхонасининг 1988й. и/ч, д/р 10AI 382 бўлган КАВЗ-3270 русумли. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм;

1982й. и/ч, д/р 10AI 385 бўлган ГАЗ-53А русумли. Бошланғич нархи 874 000 сўм;

— Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990й. и/ч, д/р 03-29 ТНГ бўлган, ВАЗ-2121 русумли. Бошланғич нархи 541 000 сўм;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980й. и/ч, д/р 10 АН 339 бўлган ГАЗ-24 русумли а/в. Бошланғич нархи 500 000 сўм;

Тошкент, Б.И.Йўли-243 уйда жойлашган Тошкент вилояти ИИБ Автохўжалигининг 1992й. и/ч, д/р 41-48ТШП бўлган ГАЗ-330700 русумли а/в. Бошланғич нархи 710 870 сўм;

— Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Ш.Рашидов номидаги Халқаро жамғармага қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

-1991й. и/ч, д/р 10AX 444 бўлган УАЗ 3303 русумли авто воситаси. Бошланғич нархи 1 709 676 сўм;

-1998й. и/ч, д/р 10AR 647 бўлган Нексия GLE русумли авто воситаси. Бошланғич нархи 4 733 004 сўм;

-1999й. и/ч, д/р 10AE 010 бўлган Нексия GLE BO русумли авто воситаси. Бошланғич нархи 5 967 701 сўм;

-2004й. и/ч, д/р 10AZ 209 бўлган Нексия GLE BO русумли авто воситаси. Бошланғич нархи 8 165 408 сўм;

### Тошкент давлат юридик институтининг автотранспорт воситалари:

-1993й. и/ч, д/р 10AC 306 бўлган ГАЗ-3307 (грузовой) русумли. Бошланғич нархи 743 944 сўм.

-1994й. и/ч, д/р 10AN 785 бўлган, ГАЗ-330700 (автобус) русумли. Бошланғич нархи 857 468 сўм.

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицикатлаш марказининг 1997й. и/ч, д/р 10AR 604 бўлган Дамас автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 777 690 сўм.

Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уйда жойлашган Юнусобод тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1992й. и/ч, д/р 10AZ 946 бўлган «ГАЗ-330730» русумли а/в. Бошланғич нархи 1 696 687 сўм.

Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 4-уйда жойлашган Ҳамза тумани Давлат солиқ бошқар-

масининг 1993й. и/ч, д/р 10AZ 264 бўлган «РАФ-2203» русумли а/в. Бошланғич нархи 1 481 511 сўм.

Тошкент шаҳар, Ф.Ходжаев кўчаси, 25 «А»-уйда жойлашган Ўзб. Респ. Фанлар академияси Сув муаммолари институтининг 1991й. и/ч, д/р 10AW 604 бўлган «ВАЗ 2104» русумли а/в. Бошланғич нархи 750 061 сўм.

С.Рахимов тумани, У.Ширин кўчаси, 106-уйда жойлашган, «Тошкент подшипник заводи» МЧЖга қарашли 1983й. и/ч, д/р 08-65 ТНЛ бўлган МАЗ 5334 русумли автотранс. Бошланғич нархи 1 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Мажнунтол маҳалласи, 115-уйда жойлашган, «Ар-Пардоз» АЖга қарашли 1-қават майдони 540 кв.м., 2-қават майдони 178 кв.м., бўлган икки қаватли шифохона биноси. Бошланғич нархи 79 940 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган бекат мажмуаси қўйилади. Бошланғич нархи 6 065 116 сўм.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компанияси Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг сатҳи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми. Бошланғич нархи 4 714 300 сўм.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Чўпон ота кўчасида жойлашган сатҳи 0,006га. бўлган дўкон қуриш учун мўлжалланган ер участкасига узок муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 026 618 сўм.

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 801 800 сўм.

### Танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ҳасанова кўчаси, 11-уйда жойлашган 101-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари (2 қаватли бинодан иборат «Б» блок, 1 қаватли бинодан иборат «В» блок, 1 қаватли бинодан иборат «Г» блок, 8 та айвон, 1 қаватли омборхона биноларидан иборат «Е», «З», «К», «М» блоклари). Бошланғич нархи 22 318 595 сўм ёки 22 319 АҚШ доллари.

### Танлов шартлари

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (Бизнес-режа) тақдим қилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00да, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархидан 5% миқдорда, қолган объектлар учун бошланғич нархидан 10% миқдордаги зақалат пулини «РОУТАХТ АUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/р тўлайди.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

### «РОУТАХТ АUKSION» ДУК томонидан 2005 йилнинг 7,10,14,21 июнь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади

#### Автотранспорт воситалари:

«4-AVTOBUS SAROYI» очик акциядорлик жамиятининг д/р 10 AR 321 бўлган Нексия русумли, 6 000 000 сўмга;

«USUB» ОАЖнинг «ХНАК» шўъба корхонасининг д/р 11AQ 234 бўлган ЗИЛ ММЗ-45021 русумли, 780 000 сўмга; ҳамда д/р 11AQ 201 бўлган КАМАЗ-5320 русумли, 1 200 000 сўмга;

Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармасининг д/р 10AF 453 бўлган ВАЗ-21061 русумли, 800 000 сўмга;

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг д/р 10AL 518 бўлган ГАЗ 2411 русумли автотранспорт воситаси, 840 000 сўмга; ҳамда д/р 10AZ 733 бўлган Москвич ИЖ 2715-01 русумли, 410 000 сўмга;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтининг д/р 10AK 625 бўлган ГАЗ-2410 русумли, 500 000 сўмга;

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки Сирғали филиалининг д/р 10AD 112 бўлган Дамас русумли, 2 290 000 сўмга; ҳамда д/р 10AN 772 бўлган Дамас русумли, 2 600 000 сўмга;

Тошкент шаҳри ҳудудда жойлашган якка тартибда уй жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, «Жар ариқ» даҳасида жойлашган, майдони 0,04 га бўлган, 12,13-сонли ер участкалари, 1 900 000 сўмдан;

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, «Жар ариқ» даҳасида жойлашган, майдони 0,04 га бўлган, 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23-сонли ер участкалари, 1 800 000 сўмдан;

М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04га бўлган 1,2,3,4,7,8-сонли ер участкалари, 1 400 000 сўмдан;

М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04га бўлган 5,6-сонли ер участкалари, 1 450 000 сўмдан;

Шайхонтохур тумани, Г.Фофуров кўчаси, 44-уй ёнида, майдони 0,04 га бўлган ер участкасига эгалик ҳуқуқи, 800 000 сўмга;

Собир Рахимов тумани, Г.Фофуров кўчаси ва Тошкент Халқа йўли бурчагида жойлашган, сатҳи 0,04га. бўлган, 1,2,3,4,5,6-сонли ер участкалари, 1 200 000 сўмдан;

Юнусобод тумани, Чимкент йўлида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқи, 6 300 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Спорт**

**КАРАЧИДАН ХУШХАБАР**

Авал хабар берганимиздек, Покистоннинг Карачи шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида китъа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Осиёнинг 18 та давлатидан 200 га яқин ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этган ушбу нуфузли турнир мураббий Мансур Махмудов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди. Гап шундаки, ўзларининг нималарга қодир эканликларини исботлаган терма жамоаси аъзолари биринчилик якунида олтига олтин, учта бронза медалларни қўлга киритишиб умумжамоа ҳисобида шохсупа турининг энг юқори погонасидан ўрин олишди. Боксчиларимиздан Баҳодир Мамажонов, Алибек Кребеев, Орузбек Шоимов, Зокир Ортиқов, Аҳор Муралимов ва Дилшод Обиджоновлар ўз вази тоифаларида Осиёда энг кучли боксчи эканликларини исботлашди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Миракром Миракбаров, Азамат Қулқонов ҳамда Умид Тожиевларга эса ушбу нуфузли турнирнинг бронза медаллари nasib этди.

**ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ**

Айни кунларда мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида футбол бўйича факхрийлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусобақаларда шаҳримиз шарафини "Пахтакор" ва "Шайхонтохур" жамоалари ҳимоя қилишмоқда. Кувончли томони шундаки, биринчи учрашувни сафарда "Шайхонтохур"га қарши ўтказган "Пахтакор" факхрийлари муҳлислари кўнглини чоғ қилишди. Муросасиз, қизикарли курашларга бой кечган баҳс пахтакорчиларнинг 2:1 ҳисобидаги галабаси билан якунланди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: Сирдарё — Тошкент вилоятлари — 1:1, Қашқадарё-Жиззах вилоятлари — 3:3. Ҳозирча "Пахтакор" факхрийлари биринчи ўринни эгаллаб туришибди.

**ҚУРЪА ТАШЛАНДИ**

Ўзбекистон футбол федерациясида жорий йилги Ўзбекистон Кубоги баҳсларининг чорак финалида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон Кубогининг чорак финалидан мамлакат чемпиони "Пахтакор" жамоаси ҳам биллур соврин соҳиби бўлиш ниятида курашга қўшилди.

Қуръа натижаларига қўра қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс олиб боришди: "Машъал" — "Нефтчи", "Бўхоро" — "Трактор", "Навбахор" — "Локомотив", "Насаф" — "Пахтакор".

Ўзбекистон Кубоги баҳсларининг чорак финали сентябрь ойида бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши аъзолари ҳамда хотин-қизлар комиссияси аъзолари, ушбу маҳалла аҳолиси Омонжон Ниғмоновга турмуш ўртоғи, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси

**Матлубахон НИҒМОНОВНИНГ**

вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Мавжуд фактлар ҳақида маълумот**

**Маълумотнинг тартиб рақами — 09**

Умумий мажлис кўриниши — йиллик  
Умумий мажлис ўтказиш тури — акциядорларнинг бевосита иштирокида

Умумий мажлис ўтказиш санаси — 2005 йил 19 май

Умумий мажлис ўтказилган жой манзили — Тошкент ш., Гавҳар кўчаси 124.

Умумий мажлисда 36230 дона оддий акциялар ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 65 фоизи қатнашди.

Умумий мажлис "Кун тартибига" киритилган масалалар ва овоз бериш якунлари

№	Кун тартибига киритилган масалалар	Берилган жавоблар		
		Розин	Қарши	Бетараф
1.	Акциядорлар йиллик умумий мажлисининг ўтказиш тартиби ва регламенти	36230	0	0
2.	Жамият бошқаруви раисининг ОАЖнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи.	36230	0	0
3.	Жамият бошқаруви раиси билан тузилган шартномани 2005 йилга узайтириш ҳақида	36230	0	0
4.	Аудиторнинг 2004 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича ҳўласасини тасдиқлаш ва 2005 йил учун аудиторлик фирмасини тасдиқлаш.	36230	0	0
5.	ОАЖ тафтиш комиссиясининг 2004 йил ҳисоботи бўйича далолатномасини тасдиқлаш	36230	0	0
6.	ОАЖнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик йилида кўрган соф фойдани тақсимлаш ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.	36230	0	0
7.	2005 йилга тузилган Бизнес-режани тасдиқлаш	36230	0	0
8.	Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилда қилинган ишлари бўйича ҳисоботи	36230	0	0
9.	ОАЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида	36230	0	0
10.	Акционерлик жамияти Низомига киритилган узгартиришларни тасдиқлаш	36230	0	0

**«Royalzalchi» ОАЖнинг йиллик умумий мажлиси қарори**

Умумий мажлисда қабул қилинган қарорларнинг умумий тўлиқ мазмуни

№	Кун тартибига киритилган масалалар	Қабул қилинган қарорлар
1.	Акциядорлар йиллик умумий мажлисининг ўтказиш тартиби ва регламенти	Кворум бор-йўқлигини ҳисоблаш учун ҳисоб-китоб гуруҳини сайлаш. Ҳисоб гуруҳи далолатномаси тасдиқлансин. Кворум 65 фоиз.
2.	Жамият бошқаруви раисининг ОАЖнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи	ОАЖ бошқаруви раиси 2004 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилинсин.
3.	Жамият бошқаруви раиси билан тузилган шартномани 2005 йилга узайтириш ҳақида	ОАЖ бошқаруви раиси Мирабилов М.М. билан тузилган шартнома 2005 йилга узайтирилсин
4.	Аудиторнинг 2004 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича ҳўласасини тасдиқлаш ва 2005 йил учун аудиторлик фирмасини тасдиқлаш	"Осиё-Аудит GNK" аудитори текширув ҳўласаси тасдиқлансин. Ушбу аудиторлик компанияси билан 2005 йилда текширув ўтказиш учун шартнома тузилсин.
5.	ОАЖ тафтиш комиссиясининг 2004 йил ҳисоботи бўйича далолатномасини тасдиқлаш	ОАЖ тафтиш комиссияси 2004 йил далолатномаси тасдиқлансин.
6.	ОАЖнинг 2004 йил молиявий-ҳўжалик йилида кўрган соф фойдани тақсимлаш ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш	ОАЖнинг 2004 йил бухгалтерлик баланси тасдиқлансин. Ушбу йилда кўрилган соф фойда 28940 минг сўм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилсин
7.	2005 йилга тузилган Бизнес-режани тасдиқлаш	2005 йилга тузилган "Бизнес-режа" тасдиқлансин.
8.	Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилда қилинган ишлари бўйича ҳисоботи	КК фаолияти қониқарли деб топилинсин.
9.	ОАЖ кузатув кенгаши аъзоларининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида	Кузатув кенгаши аъзоларини кўриб чиқиш ва янгилаш ОАЖ навбатдан ташқари мажлисда кўриб чиқилсин.
10.	Акционерлик жамияти Низомига киритилган узгартиришларни тасдиқлаш	АЖ Низомига киритилган узгартиришлар маъни тасдиқлансин.

**Мунажжим башорати**

**ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРНИ БЎЛИНГ**

5 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

Мунажжимлар бугунги кунни маккор кунлардан деб аташган: бир лаҳза ҳам хушёрликни йўқотманг, ўғриллик, алдовлар, зуравонлик, кўпчилик ичиди ноҳуш можаролар ҳар лаҳзада юзага келиши мумкин. Бугун жуда башанг кийинмай, катта пул ва зёб-зийнатлар тақмай юрганнинг маъкул.

Бугунги танишувлар, шунингдек, шу кунни тушган амалий ва шахсий тақлифларга сира ҳам ишониб бўлмайди. Улар сизга фақат ташвиш келтириши мумкин. Меркурий, Зуҳро ва тунги Ой энергияларининг бирлашиши шуларга сабаб бўларкан.

Шу кунни ерга яқинроқ бўлиш, пойдевор учун ариқ қазिश тавсия этилади. Опа-була, ёрқин рангли кийимлар ўрнига кулранг-яшил, кум рангига яқинларини кийиш керак. Бугун кераксиз сохта алоқаларни узиб ташлаш, кўржув ва чалқаш ўй-фикрлардан халос бўлиш, гавжум жойлар ва коронгу хоналардан қочиб керак. Соч, соқол олдиришни бошқа кунга қолдирган маъкул.

Бугун покляниш, хоналарни тозалаб, исирқ тутатиб чиқиш фойдали. Эҳтиёткор, диққат-эътиборли ва сабр-тоқатли бўлинг.

Шамолдан дераза ойналарининг очилиб кетиши ёки синиши ноҳушликлардан огоҳлантиришдир. Пойабзалнинг йиртилиши ёки устингизга бирон хил доннинг тўкилиши ҳам яхшилик ало-

мати эмас;

Бу кеча кўрилган тушлар алдовли ёки кўрқинчли бўлиши мумкин. Башоратлар ёлгон бўлиб чиқади.

Овқатлар енгил бўлгани маъкул, рўза тутиш ундан ҳам фойдалироқ бўлади. Дори-дармонлар истеъмолини ҳам чеклаш керак.

Кийим-кечақлардан ранги «ўчган», «химоя» рангиларини, кўк, кулранг — яшил рангли либослар кийиш керак бўлади. Сарик, қизил ва зарғалдоқранг кийимларни бугун нарироқ суриб қўйгангиз маъкул.

**БУГУН:**

- одатий ва муҳим бўлмаган ишлар билан шуғулланиш;
- меҳнат ва дам олишингиз учун энг қулай шароитларни яратиб олиш;
- ўзингиз яхши билган ва уддалайдиган ишга қўл уришингиз;
- оғир дамларда умр йўлдошингиз, ҳамфикр дўстларингиз, хизматдошларингизга мурожаат қилишингиз;
- бирон нарсанинг урдасидан чиқолмасангиз, ўзингизни уринтирмай, бошқа бир машғулот топшингиз;
- кун янгиликлари, воқеаларига осойишта қараш тавсия этилади.

Жиддий хатти-ҳаракатлардан, ўжарликдан ва тақлиф этилган ёрдамдан юз ўгиришдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тошкентдаги Республика Олимпиада захиралари спорт коллежида пауэрлифтинг спорт тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

**ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР ҚАЙД ЭТИЛДИ**

Осиё Пауэрлифтинг федерацияси қонун-қоидаларига мувофиқ ушбу спорт тури бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақалар ёшлар ва ўсмирлар ўртасида бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Шу боис навбатдаги Ўзбекистон биринчилигида спортчилар ўн саккич ёшдан йигирма уч ёшгача бўлган гуруҳларда алоҳида голибларни аниқлади. Мусобақанинг сўнгги кунда 67 килограмм вазн тоифасидан бошлаб, олтига вазнда полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Энг муҳими терма жамоа аъзолари Жаҳон биринчилиги олдиндан яхши спорт формасида эканликларини кўрсатишди. Халқроқ тоифадаги спорт усталари Темуражон Жаҳон, Сардор Тўйчиевлар Осиё рекордига тенг натижаларни қайд этдилар.

**Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"**



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусxada босилади. Қўрағи бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.